

**QIMMATLI QOG'OZLARNING
MARKAZIY DEPOZITARIYSI
DAVLAT KORXONASI**



**STATE ENTERPRISE
CENTRAL SECURITIES
DEPOSITORY**

100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

107, Mustakillik avenue, Tashkent city,
100170, Republic of Uzbekistan

Tel: 998 (71) 267-35-92, (71) 267-37-42. Internet: www.deponet.uz, e-mail: info@deponet.uz

Hisob raqami (the settlement account): 20210000604014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, INN 203021987, OKONX 96190

20__ y. «__» _____

№ 11-15/150016

« 25 » may 20 20 г.

«Hamkorbank» ATB korporativ boshqaruv tizimining baholashni o'tkazish tuzilmasida

ХУЛОСА

Қайси корхона учун тайёрланди

Юридик манзил

Банк реквизитлари

Қайси корхона томонидан тайёрланди

Юридик манзил

Телефон/факс:

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги
маълумотлар

Банк реквизитлари:

Бош директор

Баҳолашда иштирок этган
мутахассисларнинг фамилияси, исми ва
отасининг исми

«Hamkorbank» ATB

100 119, Ўзбекистон Республикаси, Андижон
шаҳри, Бобур шох кўчаси 85-уй

х/р 29896 00080 00000 83044, Андижон ш.,
«Hamkorbank» ATB Банк операциялари
бошқармаси, банк коди 00083

«Қимматли қоғозлар Марказий
депозитарийси» давлат корхонаси

100 170, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани,
Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй

тел: 998 (71) 267-37-42, (71) 267-36-87; факс:
267-36-94

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги
гувоҳнома рақами: 000979-03, 02.09.2008 й.

х/р 20210000604014949001, Тошкент ш.,
АИТБ «Ипак йули» Миробод филиали, банк
коди 01101

Абдужаббаров Шерали Янгибаевич

Д.А.Кадиров, Ш.Ш.Нарзуллаев

«Hamkorbank» ATB (кейинги ўринларда – Банк) korporativ boshqaruv tizimining baholash tuzilmasida xulosa «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан тайёрланди.

Марказий депозитарий «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 21 майдаги «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги 263-сонли Қарорига мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан (31.12.2015 йилдаги 9-сон баённомага ва 30.11.2016 йилдаги 12-сон баённомага асосан) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Банкда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Банкнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди.

«Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси фақат Банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Банкнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Банк тақдим этган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва эътироз билдирилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг назорат ва масъулият доирасига киритилмади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Банкнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг якуний натижаси **535 балл**ни ташкил этди ва Марказий депозитарийнинг якуний ҳулосасига мувофиқ «Hamkorbank» АТБнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра **қониқарли** деб эътироф этилади.

Бош директор



Ш.Абдужаббаров